

СУРУНКАЛИ ПОЛИПОЗ РИНОСИНУСИТ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА MMP9 ГЕНИ ПОЛИМОРФИЗМИ

Соатов Илёсжон Олим ўғли -PhD таянч докторант

Джураев Жамолбек Абдукахорович -т.ф.д., доцент

Тошкент тиббиёт академияси (Тошкент, Ўзбекистон)

Аннотация

Полиморфизм генининг промотор минтақасида жойлашганлиги ва функционал полиморфизмларга тегишли бўлганлиги сабабли, унинг мавжудлиги MMP9 билан кодланган геннинг экспрессия тезлигига таъсир қилади деб таъкидлаш мумкин.

Калит сўзлар. Полиморфизм, кодланган ген, MMP9 гени, гомозигота, аллеллар ва генотиплар.

Сурункали полипоз риносинусит патофизиологиясига генетик омилларнинг таъсири ҳақида ишончли далиллар мавжуд. Муковицидознинг мембрана ўтказувчанлигини регулятори (CFTR) гени мутациялари муковицидозга (KF) олиб келади, бу CPS билан боғлиқ энг кўп такрорланадиган гендир. Муковицидоз касаллиги ташувчиларда CRSwP нинг юқори тарқалиши мавжуд, аммо бази тадқиқотлар CTFR мутациялари муковицидозсиз СВК билан касалланган беморларда ҳам содир бўлишини кўрсатади.

Оилавий тадқиқотлар CRSwP патогенезида ирсий омилни кўрсатади, аммо бурун полипларини пайдо бўлишида атроф-муҳит омиллари ҳам муҳим рўл ўйнайди. Масалан, кузатишлар шуни кўрсатдики, бир тухумдан ривожланган эгизакларда ҳам полип тўқимаси учраши турлича бўлиши ўрганилган. Ишнинг ушбу қисми MMP9 гени полиморфизмининг тарқалиш частоталарини ўрганишга, шунингдек ушбу полиморфизмнинг CRSwP ва CRS нинг юзага келиши, ривожланиши ва клиник кечишидаги ҳиссасини таҳлил қилишга бағишланган. MMP9 генида 1562 С/Т полиморфизмининг аллеллари ва генотипларини аниқлаш частоталарини ўрганиш уларнинг асосий ва назорат гуруҳлари ўртасида тарқалишида фарқлар мавжудлигини кўрсатди

Шундай қилиб, CRSwP билан оғриган беморларда MMP9 генида 1562 С/Т полиморфизмининг ноқулай Т аллели CRS билан оғриган беморларга ва

соғлом одамларга нисбатан кўп учрайди. Гомозиготали Т/Т варианты устун (1,6 мартадан 2,8 мартагача) бўлган ҳолда ушбу аллел учрашининг юқори частотаси CRSWP билан оғриган беморларда қайд этилди. Шу билан бирга, CRSwP, CRS ва назорат гуруҳида бўлган беморлар ўртасидаги фарқ тенденция даражасида қайд этилди. Ушбу полиморфизм геннинг промотор минтақасида жойлашганлиги ва функционал полиморфизмларга тегишли бўлганлиги сабабли, унинг мавжудлиги MMP9 билан кодланган геннинг экспрессия тезлигига таъсир қилади деб таъкидлаш мумкин. Яллиғланиш реакцияси генининг намунаси БЁБ ва бурун бўшлиғи шиллиқ қаватининг иммун ва яллиғланиш жавоби етарли бўлмаган гиперяллиғланиш жавоб йўналиши бўйича ўзгартириши мумкин, бу эса янада оғир даражадаги CRSwPнинг ривожланишига олиб келади.

Адабиётлар

1. Пискунов Г. З. Полипозный риносинусит //М.: ГЭОТАР-Медиа. – 2016.
2. Сухачев П., Степанович А. С. О., Прохоренко И. О. МОРФОФУНКЦИОНАЛЬНЫЕ ХАРАКТЕРИСТИКИ ПОЛИПОВ НОСА У ЛЮДЕЙ СТАРШЕГО ВОЗРАСТА //Редакционная коллегия: НО Захарова, АВ Николаева, ЕВ Тренева. – 2017. – С. 456.
3. Арипова М. Л., Халимова Т. Р. Оптимизация хирургического метода лечения и послеоперационное ведение больных с хроническим полипозным риносинуситом //РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ. – 2015. – С. 11.
4. Коркмиазов М. Ю., Белошангин А. С. Ремоделирование слизистой оболочки полости носа от длительности применения топических стероидсодержащих препаратов при полипозном риносинусите //Вестник Челябинской областной клинической больницы. – 2014. – №. 4. – С. 17-19.
5. Добрецов К. Г., Макаревич С. В. Морфологическая оценка слизистой оболочки полости носа у пациентов с хроническим полипозным риносинуситом //Российская ринология. – 2016. – Т. 24. – №. 3. – С. 13-16.
6. Аллахверанов Д. А., Юнусов А. С., Рябинин А. Г. Отдаленные результаты эндоскопических методов лечения хронического полипозного риносинусита //Российская оториноларингология. – 2015. – Т. 3. – №. 76. – С.158.

7. Castano, R., Bossé, Y., Endam, L.M., et al., Evidence of association of interleukin-1 receptor-like 1 gene polymorphisms with chronic rhinosinusitis, *Am. J. Rhinol. Allergy.*, 2009, vol. 23, no. 4, pp. 377–384. doi 10.2500/ajra.2009.23.3303
8. Zhang, M., Ni, P., Cai, C., et al., The association between genetic polymorphisms of IL-6 and the susceptibility of chronic rhinosinusitis, *J. Clin. Otorhinolaryngol. Head Neck Surg.*, 2012, vol. 26, no. 5, pp. 197–200.
9. Endam, L.M., Saud, A., and Bossé, Y., CD8A gene polymorphisms predict severity factors in chronic rhinosinusitis, *Allergy Rhinol.*, 2013, vol. 1, no. 8, pp. 605–611. doi 10.1002/alr.21174
10. Buysschaert, I.D., Grulois, V., Eloy, P., et al., Genetic evidence for a role of IL33 in nasal polyposis, *Allergy*, 2010, vol. 65, no. 5, pp. 616–622.

